

**ЗАМОНБОБО КЎЛИ ИХТИОФАУНАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА  
ХОЗИРГИ ХОЛАТИ.***Исматова Шахло**[shaxlo.ismatova.95@mail.ru](mailto:shaxlo.ismatova.95@mail.ru)**Бухоро Давлат Университети*

**Аннотация.** Бу мақолада Бухоро вилояти ҳудудида жойлашган Замонбобо кўли ихтиофаунасининг шаклланиши ва ҳозирги ҳолати ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

**Аннотация.** В данной статье представлена информация о формировании и современном состоянии ихтиофауны озера Замонбобо, расположенного на территории Бухарской области.

**Abstract.** This article provides information on the formation and current state of the ichthyofauna of Lake Zamonbobo, located in the territory of Bukhara region.

**Калит сўзлари:** Гидрология, Замонбобо кўли, ихтиофауна

**Ключевые слова:** Гидрология, озеро Замонбобо, ихтиофауна

**Key words:** Hydrology, Lake Zamonbobo, ichthyofauna

**Мавзунинг долзарблиги**

Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб муаммоларидан бири ҳудудларда мавжуд сув ҳавзаларида балиқ етиштиришни жадаллаштириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ҳисобланади. Сўнги пайтларда балиқларни табиий кўллар шароитида урчитиб кўпайтириш муаммоси тобора муҳим аҳамият касб этмоқда ва келажакда маҳаллий балиқчиликни барқарорлигини таъминлашнинг асосий омили сифатида кўриб чиқилмоқда. Ҳозирда республикамизда балиқчилик тармоғини ривожлантириш, балиқ захираларидан самарали фойдаланиш, инновацион аквакультурани ривожлантириш ва сувдан комплекс фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида муайян натижаларга, жумладан, пасттекислик зонасидаги кўллар ва сув омборларига озуқа занжирининг юқори пағоналаридан ўрин олган карпсимон балиқлар чавоғи билан мунтазам равишда балиқлантириш дастури ишлаб чиқилди. Маҳаллий иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда балиқ турларини кўпайтириш ва уларни қайта ишлаш ҳажмларини ошириш ҳамда балиқ етиштиришнинг интенсив усуллари амалиётга жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг ҳаракатлар стратегиясида “қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг узлуксиз ривожлантириш” ва дарё оқими бошқариладиган шароитда “сувдан комплекс фойдаланиш” вазифалари белгилаб берилган. Ушбу

вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ирригация тизимидаги сув ҳавзаларида яйлов аквакультураси методларини ривожлантириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Республикамизда балиқчилик тармоғини ривожлантириш, балиқ захираларидан самарали фойдаланиш, инновацион аквакультурани ривожлантириш ва сувдан комплекс фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Балиқчиликни ривожлантиришга оид вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 1 майдаги ПҚ 2939-сон «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ 4005-сон «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори, 2020 йил 29 августдаги ПҚ4816-сон “балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида” қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги 719-сон «Балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 18 октябрдаги 845-сон «Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларида тўғрисида»ги қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширилмоқда. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Бухоро вилоят ҳудудидаги сув ҳавзаларидан интенсив фойдаланиш мақсадида 300 дан ортиқ балиқчиликка асосланган фермер хўжаликлари ташкил этилган бўлиб, кўлларда балиқ маҳсулотларини етиштиришни оширишда юқори кўраткичларга эришиш имкониятларини яратувчи кўл балиқчилиги технологиясини янада такомиллаштириш, балиқ захираларидан рационал фойдаланиш йўллариини замонавий ёндошувлар асосида ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш муҳим илмий - амалий аҳамият касб этади.



Юқорида қайд қилинган қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йилда табиий сув ҳавзаларидан 3425 т, сунъий сув ҳавзаларидан 3840,1 т, 2021 йилда табиий сув ҳавзаларидан 3361 т, сунъий сув ҳавзаларидан 5133 тонна балиқ

овланиб аҳоли истеъмолига етказиб берилган. Маълумки, Бухоро вилоятининг ҳудуди чуқурликда жойлашганлиги учун кўшни Қашқадарё Навоий, Самарканд вилоятларининг сизот ва оқава сувлари вилоят ҳудудига ҳар йили 1,8-2 млрд м<sup>3</sup> миқдорида оқиб келиб, “Оёқоғитма”, “Зикри”, “Девхона”, “Хадича”, “Тузкон”, “Қорақир”, “Замонбобо”, “Қумсултон” каби табиий кўллар пайдо бўлди. Бу сувликларнинг умумий майдони 100 минг гектардан ортиқ бўлиб, ушбу кўллар 14 та асосий контурларга бўлиниб масъулияти чекланган жамиятлари томонидан балиқ овлаш ва балиқ маҳсулдорлигини ошириш ишлари амалга ошириб келинмоқда. Вилоятнинг табиий сув ҳавзалари 2019 й, 680625 та, 2020 й, 1384000 та, 2021 й, 1370000 та балиқ чавоқлари билан доимий равишда балиқлангирилиб келинмоқда. Бугунги кунда “Бухоробалиқ” МЧЖ ҳудудида Бухоро давлат университетининг илмий-амалий лабораторияси ташкил қилинган. Ушбу лабораторияда илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ва илмий-амалий семинарларни ўтказиш учун барча қулайликлар яратилган. Агрономия ва биотехнология факультетида Биотехнология ва ихтиология илмий лаборатория ташкил қилинган бўлиб, профессор Бўриев Сулаймон Бўриевич бошчилигида биология кафедраси мутахассис профессор-ўқитувчилари ва таянч докторантлар томонидан олиб борилаётган тадқиқот ишлари айнан бугунги анжуманнинг мақсад ва вазифаларни очиб беради. Жумладан: хлорелла, азолла, ряска, артемия дафния каби организмлар ўстирилиб, балиқчилик хўжаликларида балиқ маҳсулдорлигини ошириш мақсадида кўлланиб келинмоқда.

Бухоро вилояти Қорақўл тумани марказидан 15 км шим. ғарбда жойлашган Замонбобо (номи шундан) кўли соҳилидаги макон (майд. 170 м<sup>2</sup>) ўрганилган. Замонбобо кўли олдинги замонлардан бошлаб балиқчилик саноатида ўзининг аҳамиятига эга. Ҳозирги кунда сув ресурсларига бўлган эҳтиёжнинг ошиши билан саноатда ёрдам беришни ҳисобга олган ҳолда кўл ҳудудида ихтиофаунани янада кенгайтириш ва хилма-хиллигини ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Бухоро вилояти барча эҳтиёжлари саноатда қишлоқ хўжалик экинларини суғориш учун 99 % умумий фойдаланилган сув Амударёдан кучли насос станциялари орқали 3 босқичда 120 метрга кўтарилиб, 300 км масофада каналлар орқали оқизилади. Қолган 1% сув Зарафшон дароёсидан олинади. Умумий фойдаланилган сув ҳар йили ўртача 3,8-4 млрд м<sup>3</sup> ни ташкил қилади. Бухоро вилоятида Амударё трансчегаравий сувидан фойдаланишда уни оқилона сарфлаш, суғориш режимига қаттиқ риоя қилиш чоралари кўрилмоқда.

Маълумки, Бухоро вилоятининг ҳудуди чуқурликда жойлашганлиги учун кўшни Қашқадарё Навоий, Самарканд вилоятларининг сизот ва оқава сувлари вилоят ҳудудига ҳар йили 1,8-2 млрд м<sup>3</sup> миқдорида оқиб келиб, “Оёқоғитма”, “Зикри”, “Девхона”, “Хадича”, “Тузкон”, “Қорақир”, “Замонбобо”, “Қумсултон”

каби табиий кўллар пайдо бўлди. Бу сувликларнинг умумий майдони 100 минг га дан ортиқ бўлиб, ушбу кўллар 14 та конторларга бўлиниб масъулияти чекланган жамиятлари томонидан балиқ овлаш ва балиқ махсулдорлигини ошириш ишлари амалга ошириб келинмоқда. Статистик маълумотларга кўра юқорида қайд қилинган табиий кўлларда 2020 йил давомида 3425 тонна 2021 йилда эса 3361 тонна балиқ махсулотлари етиштирилиб халқ истемолига етказиб берилган. Бу кўрсаткич талаб даражасига жавоб бермайди. Бундан ташқари вилоят худудида 300 дан ортиқ кичик сув ҳовузларида (хусусий секторларда) балиқ махсулотлари етиштирилиб халқ истемолига берилмоқда, аммо бу кўрсаткич статистик ҳисоботларга киритилмаган.

2019 йил давомида Қарақир, Зикри, Замонбобо, Шўркўл, Девхона, Хадича табиий кўлларида Оқ амур, Оқ дўнгпешона, Сазан, Карп каби саноатбоб балиқ човоқчаларидан 680 625 дона умумий миқдори 22 100 кг балиқ чавоқчалари кўйиб юборитди. Бу кўрсаткич 2020 йилда 1 348 000 дона умумий миқдори 35 300 кг балиқ чавоқчаларини ташкил қилди. 2021 йилда табиий кўлларга кўйиб юборилган балиқ чавоқчалари сони 1 370 000 дона балиқлаш режалаштирилган Табиий кўллардан саноатбоб балиқ махсулотларини овлаш регламентига риоя қилиш, кўлларнинг гидрологик, гидрохимёвий ва гидробиологик кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда, олимларнинг тавсияларига мувофиқ ҳар бир гектар сув майдонига 50 дона 40-50 грам балиқ чавоқчаси билан балиқлаш мақсадга мувофиқдир.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. S.Q.Husenov, D.S.Niyozov, G'.M.Sayfullayev “Baliqchilik asoslari” “Buxoro” nashriyoti 2010 у.
2. D.Niyozov. X.G'AFFOROV “Baliqlarni oziqlantirish” Buxoro universiteti. T.: “Dizayn-Press”, 2012 у.
3. D.Niyozov “Baliq – bitmas boylik” Toshkent “Dizayn-Press” 2013 у.
4. J.Urchinov “Baliqlar ekologiyasi” Navoiy “ADA servis Navoiy” 2013 у.
5. Алекин О. А. Методы исследования органических свойств и химического состава воды // Жизнь пресных вод СССР. М.: Изд-во АН СССР, 1959. Т. 4. С. 213–298.
6. Oblokulov A.R., M.I.Mukhammadieva.(2022). Clinical and biochemical characteristics of liver cirrhosis patients of viral etiology with spontaneous bacterial peritonitis//Academicia Globe: Inderscience Research.-2022.- P. 210-216.
7. Mukhammadieva M.I. (2022). Modern clinical and biochemical characteristics of liver cirrhosis patients of viral etiology with spontaneous bacterial peritonitis //Texas Journal of Medical Science. – 2022.- P. 86-90

8. Санокуллова С.А.(2023) Особенности течения контогиозных гельминтов ассоциированного с лямблиозом // *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* -3(2), Feb. -С-910-917
9. Oblokulov Abdurashid Rakhimovich Mukhammadieva Musharraf Ibromkhimovna Sanokulova Sitora Avazovna Khadieva Dora Isakovna. (2023). CLINICAL AND LABORATORY FEATURES OF SPONTANEOUS BACTERIAL PERITONITIS IN PATIENTS WITH VIRAL LIVER CIRRHOSIS. *Journal of Advanced Zoology*, 44(S-2), 3744–3750. Retrieved from <http://jazindia.com/index.php/jaz/article/view/1716>
10. Мухаммадиева М.И., Облокулов А.А.(2022). Клинико-лабораторная характеристика пациентов циррозе печени вирусной этиологии со спонтанным бактериальным перитонитом//*New Day In Medicine*.-2022.Р. 3-9.
11. Mukhammadieva M.I. (2023). Вирус этиологияли жигар циррози беморларида спонтан бактериал перитонит билан асоратланишининг профилактикаси ва давосини такомиллаштириш//*Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*. -2023.-P.947-953.
12. Баранов С. А., Резников В. Ф., Стариков Е. А., Толчинский Г. И. Основные уравнения роста биологических объектов // *Биологические ресурсы внутренних водоемов СССР*. М.: Наука, 1979. С. 156–168.
13. Купинский С. Б. Продукционные возможности объектов аквакультуры. М.: Экон-Информ, 2010. 139 с.
14. Hopkins K. D. Reporting Fish Growth: A Review of the Basics // *Journal of the World Aquaculture Society*. 1992. V. 23 (4). P. 173–179.
15. Щербина М. А., Гамыгин Е. А. Кормление рыб в пресноводной аквакультуре. М.: Изд-во ВНИРО, 2006. 360 с.
16. Palmer A. R., Strobeck C. Fluctuating asymmetry analyses revisited // *Developmental instability: causes and consequences*. N. Y.: Oxford University Press, 2003. P. 279–319.
17. Lemberget T., McCormick M. Replenishment success linked to fluctuating asymmetry in larval fish // *Ecologia*. 2009. P. 83–93.